

В.А.Голишевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплексининг раҳбари этиб тасдиқлаш тўғрисида

Вячеслав Аркадьевич Голишев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплексининг раҳбари этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2005 йил 26 июл

И.КАРИМОВ

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 27 июл, чоршанба № 118-119 (1960)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Жаҳон цивилизацияси ва маданияти тарихида алоҳида ўрин тутиб келган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларининг катта қўламини, бу сана халқимизда ўзликни, миллий давлатчилигимизнинг бой аъналарини ҳар томонлама чуқур янглаш, ор-номус, ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган умуммиллий байрам эканини эътиборга олиб ҳамда кўҳна қадриятларимиз, ота-боболаримизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, «Маҳалла» жамоаси, иқтисодий уюшмалар ва жамоатчилиқнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллик санасини 2006 йилда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита томонидан қайта кўриб чиқилган ҳолда:

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага, Қарши шаҳрида тарихий обидаларни таъмирлаш, қурилиш, ободонлаштириш ҳамда ижтимоий ва коммунал соҳада хизмат кўрсатишни ривожлантиришга доир комплекс тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Қашқадарё воҳаси, хусусан, Қарши шаҳрининг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишларининг замонавий талаблар асосида амалга оширилишига алоҳида аҳамият бериши.

2. 2006 йилда буюк давлат арбоби ва улкан саркарда, миллий давлатчилигимиз асосчиларидан бири соҳибқирон Амир Темуր таваллудига 670 йил тўлишини инобатга олиб, бу

санани нишонлаш бўйича тайёргарлик ишлари Қарши шаҳрининг юбилей тадбирлари билан уйғун ҳолда олиб борилсин.

3. Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ва халқаро ташкилотлар иштирокида таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари вакиллари билан биргаликда, мақтаб ўқувчиларининг 2006 йил май-июн ойларида Қарши шаҳрида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари дастури доирасида, юртимизнинг қадимий давлатчилиги ва маданият тарихи, Амир Темури ва темурийларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир билимлар даражасини белгилаш юзасидан алоҳида танлов ўтказилишини назарда тутсин.

4. Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Фанлар академиясининг Тарих институти билан биргаликда, мақтаб ўқувчиларининг 2006 йил май-июн ойларида Қарши шаҳрида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари дастури доирасида, юртимизнинг қадимий давлатчилиги ва маданият тарихи, Амир Темури ва темурийларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир билимлар даражасини белгилаш юзасидан алоҳида танлов ўтказилишини назарда тутсин.

5. «Ўзбекистурим» миллий компанияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бир ой муддатда,

Қашқадарё воҳасининг бой тарихий-меъморий обидаларини, зиёратгоҳ ва табиий жиҳатдан эътиборга молик сўлим масканларини кенг тарғиб этишга йўналтирилган минтақавий дастур ишлаб чиқиб, уни халқаро туристик ярмаркаларда реклама қилиш чора-тадбирларини белгиласин.

6. Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари 2006 йилги давлат бюджети ҳамда инвестиция дастури лойиҳаларини ишлаб чиқишда Қарши шаҳрида юбилей тантаналарини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни маблағ билан таъминлашни кўзда тутсин.

Юбилей муносабати билан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган объектларнинг лойиҳаси смета ҳужжатлари тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейингина маблағ билан таъминлашни белгилаб қўйилсин.

7. Юбилей муносабати билан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино ва иншоотлар учун хориждан келтириладиган қурилиш материаллари ҳамда асбоб-ускуналар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида божхона тўловларидан /божхона расмийлаштируви тўловларидан ташқари/ озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда, қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2005 йил 26 июл

И.КАРИМОВ



### ЎЗБЕК ИСТИҚБОЛИ БИРЛАШТИРИШ

## СЎХ МАҲАЛЛАЛАРИДА БАЙРАМ

Фаргона вилоятининг Сўх туманида мамлакатнинг мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб ўзига хос байрам - «Маҳалла кўни» ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларда барча маҳаллалар истиқлол йилларида эришган ютуқларини намойиш этмоқда.

«Янгилик» - тумандаги энг обод маҳаллалардан бири. Шунданми, «Маҳалла кўни» бу ерда ўзгача бир шухўх билан кўшди.

Янгиликлар мустақиллик байрамига тайёргарликни барвақт бошлади. Шу кунларда кўчалар кенгайтирилиб, бино ва дараклар оқляпти. Байрам тантаналари ўтказилган «Сойбозор» ва «Хайит-Сангин» дам олиш масканларида ҳозирлик ишлари айниқса қизғин давом этаётди.

(ЎЗА)

## ЎЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Болаларни ўзги соғломлаштириш ўта муҳим, ўта долзарб ишдир. Бу Ўзбекистон касабаси уюшмалари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатди. Эътиборли шуки, аввалги йиллар сабоқларидан тўғри хулосалар чиқарилиб, масъулиятли мавсумни ҳар жиҳатдан намунали ўтказиш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўғил-қизларимизнинг мазмуни дам олишлари аввало яратилган шароитга боғлиқ. Шунинг учун ҳам тайёргарлик ишларига бу йил аксарият жойларда барвақт киришилди. Оромгоҳларни таъмирлаш, қўшимча бинолар бунёд этиш, керакли жиҳозлар билан таъминлаш, гулзорлар барпо этиш борасида анчайин ишлар қилинди. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда ўз самарасини бермоқда.

Кўпгина жойларда болалар ёзи мароқли ўтмоқда. Жорий йилда маънавият масалалари, спорт-соғломлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилган. Фарзандларимиз табиат ва ҳайвонот олами билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқда. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ёш авлод тарбияси билан боғлиқ ўта муҳим масалаларга кўпгина ҳўжалик ташкилотлари масъулият ила ёндошишмоқда. Авваллари баъзи ерларда бўлганидек ўзибўларчилик, сохта маълумотлар бериш каби камчиликлар барҳам топмоқда. Яна эътиборли шуки, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига бепул йўлланмалар ажратилди ва ажратилмоқда. Хамжихатлидаги сайё-ҳаракат туфайли ўзги соғломлаштириш ишлари аввалги йилларга нисбатан таққослаганда яхши кетмоқда. Ўғил-қизлар энг сўлим, мафтункор гўшаларда мириқиб дам олиб, кадрдонлари баргига шодон кайфиятда қайтмоқдалар.

## БОЛАЖОНЛАР КУЛГУСИ ОЛАМНИ ТУТСИН

Вилоят газ таъминоти ҳудудий корхонасига қарши «Зангори олов» соғломлаштириш оромгоҳи Фориш туманининг энг баҳаво масканларидан бири — пурвиз туманидаги Осмонсой кишлоғи ҳудудида жойлашган. Ям-яшил даракзорлар, турфа хил гуллар атрофга ажиб тароват бахш этади. Булук сувларидан ичган сайин ичгинг келаверида. Ана шундай сўлим гушда жойлашган оромгоҳимиз бугун болажонларимизнинг шодон қийқириклари, бахтиёр кулгуси билан тўлган. Айни кунларда бу ерда тармок ходимларининг юз нафар фарзанди кўнглили хордиқ чикармоқда.

Бу йил ёзги соғломлаштириш мавсумига ҳар қанчадан ҳам вақтли, пухта тайёргарлик қилинди. 100 ўринга мўлжалланган оромгоҳда сифатли таъмирлаш ишлари олиб борилиб, ётоқ жойлари, майиш хизмат хоналари ва спорт майдончалари тахт ҳолга келтирилди. Бунинг учун 7 миллион сўм харажат қилинди. Футбол, волейбол, стол теннис, шохмат ва шашка каби спорт жиҳозлари олинди. Телевизор, видеомагнитофон ва музлаткичлар билан таъминланди. Шунингдек, кўра-тўшақ жилдлар билан ва ошхона жиҳозлари янгиланди. Бундан ташқари, дам олувчи ёшлар билимини ошириш, маънавий баркамоллигини юксалтиришни таъминлаш мақсадида «Маънавият ва маърифат» хонаси лотин ёзувидаги янги адабиётлар, қўланмалар билан боийтилди.

Шунинг учун оромгоҳимизда мавсум кўнгилидагидек ўтмоқда. Турли тўғараклар ишлаб турибди. Спорт секцияларида эса болажонларимиз жисмонан чинқишапти. Уларга саккиз нафар етакчи ва тарбиячилар парвона. Малакали шифокор эса дам олувчи равишда назорат қилиб борапти. Айтганча, оромгоҳга виллоят газ таъминоти ҳудудий корхонаси томонидан 420 миң сўмлик дори-дармонлар етказиб берилган. Ҳар кун калорияга бой иссиқ овқатлар, турли мева-салат, полиз маҳсулотлари дастурхонга тортилди.

Сихат-саломатлик йили муносабати билан ҳомий ташкилот хайрли ишга қўл урди. Газ

К.ҲАҚБЕРДИЕВ, Ўзбекистон энгил, меҳнат ва коммунал-маиший хизмат ҳодимлари касабаси уюшма Марказий Кенгашининг Жиззах вилояти вакили

3-бет

## Бир вилоят тадбиркорлари

### Ўзининг табиий бойликлари, бебаҳо олтини, кўзни камаштирадиган маъдан тошлари, мрамари ва фосфорит конлари билан мамлакатимиз халқ ҳўжалигига салмоқли ўринни эгаллаган Навоий вилоятида тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очилган. Бунинг кунда 10589 та кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган бўлиб, унинг кўпчилигини микрофирма ва кичик корхоналар ташкил қилади. Фермер ва деҳқон хўжалиқларида 105 миңдан ортиқ киши фойдали меҳнат билан шугулланапти.

Навбахор туманида ташаббускор аёл Ҳалима Муродова бундан тўрт йил аввал ташкил этган «Истиқлолнинг ўн йиллиги» фермер хўжалиги дастлаб 22 бош қорамол ва 32 бош майда шохли молларга эга эди. Иқтисодий ислохотлар талаби асосида фаолият кўрсатган фермер хўжалиги киска муддатда юксалишининг ойдин йўлига ўтиб олди. Қорамоллар сонини 39, майда моллар 69 бошга етказилди. 54 киши доимий иш билан таъминланди. «Ташаббус-2005» куриктанловининг вилоят босқичида биринчи ўринни кўлга кiritиб, махсус соврин билан тақдирланган Х.Муродова жамоаси ўзининг бутун куч-ғайратини аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга сафарбар этган.

Хукумат қарорига асосан вилоятда зарар кўриб ишлайётган 10 та ширкат негизига 188 та фермер хўжалиги тузилди. Худудда 5 та мини банк, сувдан фойдаланиш уюшмалари, муқобил машина-трактор парклари ва бошқа инфра-тузилмалар ташкил этилди. «Саъдулло бобо Лўқмонов»

Кармана туманидаги «Алломиш», Навбахордаги «Зиёшар», «Муслим Мадаминов» фермер хўжалиқларида ҳар гектар майдондан 65-70 центнердан хирмон кўтарилиди.

Кичик бизнес тараққийти маҳаллий ҳомаш ресурсларидан оқилона фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ички бозорни истевмол қилган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда тадбиркор аёлларга 90 миллион сўмлик кредитлар ажратилиб, минглаб янги иш ўринлари юзага келди. Бундан ташқари, хорижий инвестициялардан ҳам самарали фойдаланилапти. Вилоят банклари томонидан 9 та лойиҳа молиялаштирилди. «Пахтабанк» ва «Асакабанк» орқали Осий Тараққиёт Банки маблағларида 310 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Бунинг эвазига 1300 га яқин иш ўринлари барпо этилиб, ишсизликнинг маълум даражада камайишига эришилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий самара берапти. Айни пайтда фермер хўжалиқларида 16 миң 744 та қорамол, 60 миңга яқин майда мол боқилапти. Президентимизнинг «Тўғридан тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этиш тўғрисида»ги Фармони шароити билан 47 та қўшма корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Кармана туманида Хитой, Туркия, АҚШ, Панама, Швейцария, Россия, Украина, Молдова, Тожикистон ва озарбайжонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар воҳа экспорт салоҳиятини кучайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижроси юзасидан меҳнат бозорига ишсиз хотин-қизларнинг рақобатлашувчанлигини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чи-

И.ТИЛЛАЕВ

## МУНОСИБ СОВФА

Ромитан туманида ПМК-193 акциядорлик жамиятининг «20-Трест» жамоаси томонидан янги мактаб қурилмоқда.

Кишлоқ ахли мазкур мактаб қурилишини мустақилликнинг 14 йиллиги байрами олдидан мазкур қурилиш жамоасининг муносиб совғаси дея эътироф этмоқда.

— Ҳозирда 180 ўқувчи мўлжалланган янги мактабда пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда, — деди 193-ПМК бошлиғи Нарзулло Наврўзов. — Мактабда мажлислар ва спорт заллари, ошхона, иссиқхоналар мавжуд бўлиб, ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бир сўз билан айтганда кишлоқ болалари янги ўқув йилида замонавий жиҳозланган шинам ва кўркам хоналарда таҳсил олишади.

«Туркистон-пресс»

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТАЛБИ КУНЛАРИДА

Муस्ताқилликнинг дастлабки кунларида ноқ бошланган таълим тизимидagi ислохотлардан қўланган асосий мақсад юрт истиқболни, миллат эртасига пойдевор қўйишдан иборатдир. Буни Каттакўрғон тумани мактаблари мисолида ҳам кўриш мумкин. 2004 - 2009 йилларда тумандаги умумий ўрта таълим муассасаларининг 24 тасини капитал реконструкция, 25 тасини жорий таъмирлаш ҳамда 3 та замонавий янги мактаблар қуриш кўзда тутилган. Ўтган давр мўйбайлида тумандаги 35-, 83-, 98-мактаблар ва 8-мактабга тарбия муассасаси «Бинокор» хиссалдорлик жамияти томонидан сифатли капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 48-мактабнинг янги

## ИСЛОХОТДАН МАҚСАД ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

240 ўқувчи мўлжалланган биноси яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Шунингдек, виллоят ҳокимлиги фармойишига асосан ажратилган маблағ асосида 10-, 23-, 37-, 53-, 66-, 97-мактабларнинг том қисми тўлиқ шифер қопламаси билан ёпилди. Айни кунларда янги йил режасига киритилган 2 та мактабда капитал реконструкция, 3 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари жадал бормоқда.

Каттакўрғон туман халқ таълими бўлими ва таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма кенгаши болаларни ўзги соғломлаштиришга ҳам катта эътибор қаратди. Бу йил ўқувчилардан 510 нафарининг «Янги бод», 470 нафарининг Мўминов номи ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида, 240 нафарининг коллежлар қошида очилган кундузги, 1680 нафари тумандан ташқари, 3650 нафарининг мактаблар қошида очилган кундузги дам олиш оромгоҳларида кўнгили ҳордиқ чинаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини имтиёзли тарзда соғломлаштиришга биринчи галдаги вазифа сифатида қаралмоқда.

Я.НОРБОЕВ

### ЧЎЛЛАР ЧАМАН СОЧДИЛАР

Мирзачўлнинг бир бўлаги бўлмиш Арнасой тумани бугунги кунда обод ва файзли бўлаётган. Туман аҳолиси 40 минг кишини ташкил этади. 16 миллат ва эллат вакиллари баҳамжихат, бакамти яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Туманда эриштирилган барча ютуқлар дўстлик ва тотувлик натижасидандир. 492 та фермер хўжаликлари ташкил этилган. Бу йил 14 минг гектар ерда галла етиштирилиб, шартнома режаси ошириб бажарилди. Давлатга 26 минг тонна дон етказиб берилди.

Мустақиллик байрами олдинда арнасойликлар ўз туманлари ташкил этилганининг 30 йиллигини тантанали қиладилар. Дарвоқе, орадан бир мунча мудат ўтган, Мирзачўл янги уюштирилган бошлангич 50 йил тўлади. Ўтган йиллар мобайнида қанчадан-қанча инсонларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига кимсасиз чўл ўрнида боғу бўстон яратилди. Тажрибали раҳбар, ёзувчи, марҳум Нормурод Холмуродов сингари фидойи инсонларнинг олиб-югуриши, саъй-ҳаракати билан Арнасой туманига асос солинди. Бирин-кетин хўжаликлар ҳам таркиб топа бошладилар.

Бепойён пахтазору галлазор майдонлар, боғ-роғлар яратилди. Кўпга турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар, боғча, бекатлар, коллежлар барпо этилди.

Бу дархатлар, пахта ва галла майдонлари, боғ, сув, анави икки қаватли дала шийони Отабек Гойибовга қарашли «Бўстон» фермер хўжалиги тегишли жойлар, — изох беради ҳамроҳим.

Қуриб, кўз қувонади. Бу ерларни чет элдаги каби «Ранчо» дейишади. Йўлнинг икки тарафда осмонўпар Калифорния тарақлари, бири-бирига туташ пахтазор ва

пұл тарқатмоқда. Кам таъминланган оилаларни, ёлғиз кексаларни байрамларда йўқлаб турибди. Ҳам моддий, ҳам маънавий мадад қўлини чўзмоқда. 35 минг тўп терак иморатпо бўлиб қолди, уй қураётган ишчилар қорига ярапти.


Арнасойда чўли бўстон қилаётганлар кўпга топилди. Саъдулла Эшбоев, Рустам Ўтабоев, Шафоз Нажмиддинова, Холбек Исмоилов каби унлаб, юзлаб таниқли, тажрибали фермерларни санаб ўтиш мумкин. Уларнинг бирдан-бир истаги, чўли янада боғу бўстонга айлантириш.

Туманда 21 та умумий ўрта таълим мактаби бўлиб, уларда чўлуқварларнинг 10,5 минг нафардан кўпроқ ўғил-қизлари таълим-тарбия олишади. 7 та мактабга таълим муассасасида 600 нафар кичкинтойлар тарбияланмоқда. 1 та касб-хўнар коллежи мавжуд бўлиб, 1000 дан зиёд ёшлар 6 та йўналиш бўйича касб-хўнар сирларини кўнгил билан ўрганишяпти.

Туманда 3 та қишлоқ врачлик пункти, 6 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 6 та тиш далолаш табиотхонаси фаолият кўрсатмоқда. Туман марказий шифохонаси 77 минг АҚШ доллари миқдоридаги чет эл грантини олди.

Хуллас, чўл ҳақида қўйланган бир қўшиқда «Чўллар чаман сочдилар, ташлаб андуҳларини» деган сатрлар Арнасойнинг айни шу кунлардаги кўри тароватини, ҳусну малохатини таърифлангандай.

**Б.НОРКУЛОВ,**  
«Ишонч» мухбири



Бир томони Ҳисор тоғ тизмаларига туташиб кетган Яккабоғ шаҳарчасида 15 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ёшларни мунтазам равишда спорт билан шуғуллантириш учун



**Б.НОРКУЛОВ,**  
«Ишонч» мухбири

### ЯККАБОҒДА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАЖМУАСИ

кўнгилдагидек мажмуа йўқлиги барчани уйлантириб келарди. Шу боис шаҳарга қираверибдаги 2,5 гектар жойда болали спорт мажмуаси қурилади бошланганини эшитган кекса-ю ёш қалбдан қувонди. Лойиҳа ҳужжатлари тайёрланганч қамонавий спорт мажмуаси қад ростлай бошлади. Республикада 14 йиллиги байрами арафасида ишга туширилиши мўлжалланган мажмуада келажакимиз эгалари истиқомат қилади. Ёшларни мунтазам равишда спорт билан шуғуллантириш учун кенг имконият яратилди.



**Ш.ҚАДИРОВА,**  
«Ишонч» мухбири



**Ш.ҚАДИРОВА,**  
«Ишонч» мухбири

### УЛАР БАХТИМИЗ

Бухородаги болалар вилоят шифохонаси ўтган қисқа давр ичида тубдан яхшиланди. Бу ерда нафақат кадрларнинг хизмат кўрсатиш малакаси ошиди, шифохона энг замонавий асбоб-ускуналар билан ҳам жиҳозланди. Япониядан 45 миллион сўмлик тиббий ускуналари, вилоят ҳокимлиги бюджет маблағларидан 13,5 миллион сўмлик «Гастрофиброскоп» аппарати олиб берилди.

Вилоятда вақти-вақти билан энг малакали шифокорлар гуруҳининг болаларни қабул қилиши йўлга қўйилган. Ўтган уч ойда шу асосда 232 нафар бола соғломлаштирилди. Ногиронликнинг олдини олиш мақсадида барвақт тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилган. Шаҳардаги «Меҳрибонлик» уйда ўтказилган тиббий кўриқда болалар саломатлиги лаборатория шароитида ўрганилди. Касал дед топилган болалар шифохонага ётқизилиб, соғломлаштирилмоқда.

**С.АЪЗАМОВА,**  
«Ишонч» мухбири

### 92 КАСБИЙ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА

Хоразм вилоятида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 59 та касб-хўнар коллежи ҳамда 2 та академик лицей фаолият кўрсатиб, уларда 44 миңдан зиёд ўқувчи ёшлар тўқсон икки касбий йўналишлар бўйича таълим-тарбия олмақда.

Жумладан, Хива қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежидан 850 нафар ўқувчининг замонавий талабалар асосида билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Коллеж Япония гранти асосида 1 миллиард 200 миллион сўмлик техникалар, қишлоқ хўжалиги машиналари, томат-сок ишлаб чиқариш мини заводи, лабораториялар учун керакли жиҳозлар олди. Коллеж ҳисобидан 181,5 гектар майдонда ўқув-тажриба хўжалиги ташкил этилди. Коллеж ўсишлиқнослик бўйича вилоятдаги таянч ўқув даргоҳи ҳисобланади. Касаба уюшма қўмитаси ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Коллежнинг бюджетдан ташқари ишлаб топган маблағлари ҳисобидан 9 нафар ўқувчи ҳайдовчилик курсида бепул ўқитилди. 4 нафар ногирон ўқувчи бюджетдан ташқари топилган маблағ ҳисобидан рағбатландирилди.

Қўшқўпир касб-хўнар коллежидан ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари доимий рағбатландирилди.

**Я.САРИЕВ,**  
«Ишонч» мухбири

### МОДИЙ МАНФААТДОРЛИК ТАЪМИНЛАНСА

Сирдарё вилояти Бахт шаҳридаги «Ремонт-механика ус-тахонаси» акциядорлик жамиятида бугунги кунда юздан зиёд турдаги маҳсулот, эҳтиёт қисм ва деталлар ишлаб чиқарилаётган. Вилоятдаги тўқизта пахта тозалаш заводи ҳамда Гулистон шаҳридаги «Нотўқима мато» кичик корхонаси маҳсулот билан таъминлаётган жамият ўтган йилни юз миллион сўмлик соф фойда билан яқунлади.

Корхонада ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг мазмуни дам олишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилган. — дейди цех мудири Андрей Мудрак. — Ишчиларимиз махсус корхона билан таъминланган. Бу ердаги тикув цехида меҳнат қилаётган 11 нафар айёл-қиз иш кўпоплари, пахта заводлари учун махсус кийим-кечалар тайёрлайди.

Корхона жамоаси ўтган йили бир миллиард 256 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, йиллик топшириқни 110 фоиз ушладилар. Бу йил ҳам корхонанинг режаси катта. Йил якунига қадар жамoa 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга астойдил бел боғлаган.

### Бундан ўн тўрт йил олдин Урганч шаҳрида бўлган киши айни пайтда бу ерга таъриф буюрса, адашиб қолиши ҳеч гап эмас. Янгидан-янги мухташам бинолар, боғлар, спорт ва ёлғорлик мажмуалари барпо қилиндики, булар шаҳар кўрғига ўзгача лафозат бахш этиб турибди.

Урганчликлар шаҳарни янада кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича ташаббус билан чиққаниларига икки йил бўлди. Унга кўра ҳар бир оила тўрттадан дарахт ва ўнтадан гул қўчатни кўчатириш мажбуриятини олган. Дарвоқе, экилган эмас, кўчатирилгани ҳисоб.

Бу йилги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойларида 90 миңга яқин урганчликлар иштирок этиди. Шаҳар ҳокимлиги қасаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда кўпга кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаб берди. Уларга 4,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, Р.Султонов, О.Матқаримов, О.Отажонов етакчилик қилаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилган ишлар таҳсинга сазовор.

Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қурбонов қурилиш ташкилотларида анча йиллар ишлаб, бу борада тажриба орттирган. Зеро, битта гишт қўйиш ёки

Бугунги ижтимоий ҳаётимизнинг узвий бўла-гига айланган қолган почта ва телекоммуникация тизими ривожлантириш борасида жойларда кенг қўламда ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали Янгийўл шаҳар почта алоқаси тармоғи жамоаси бу борада мақтовга эришган.

Ушбу тармоқ хизматидан шу кунларда 58 миң на-



**Я.САРИЕВ,**  
«Ишонч» мухбири

ёр эътиборингизни тартади. Ҳар икки мажмуа хоразмликларнинг узоқ тарихга эга меъморчилиги бугунги кун билан нақадар уйғунлашиб кетганини гўё кўз-кўз қилиб тургандек. Яна сал юрмасингиздан диққатингизни Олимпия захиралари коллежининг ажойиб ансамбли ҳосил қилган кўркем ва шинам бинолари ўзига жалб қилади.

Шовот каналининг бўйида «Авесто» ҳамда Жалолиддин Мангубер-

### МАФТУНКОР УРГАНЧ

ди номи билан аталувчи боғлар, бир қанча маъмурий бинолар шаҳар лафозатини янада ошириб юборган.

Мустақиллик йиллари шаҳардаги деярли барча шифохоналар, мактаблар пухта таъмирдан чиқарилиб, ўзига хос томони шундаки, буларнинг аксарияти ҳомийлар томонидан ҳашар йўли билан амалга оширилди. Айни пайтда шаҳарда 2 та лицей ва маҳобатли кўприк қурилиши қизгин давом этмоқда. Бундан ярим аср илгари Шовот канали устига қурилган кўприк одамлар қорига ҳар қалай яраб турган эди. Лекин вақт ўза талабини қўяди.

фардан кўпроқ аҳоли фойдаланмоқда. Айни пайтда 2005 йил иккинчи ярим йиллик обунаси бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмабтир. Мавжуд 10 та алоқа бузимидеги кўрсатилмаётган хизмат ва почта фаолиятини яхшилаш борасидаги ишлардан шаҳар аҳолиси мамнун бўлмоқда.

Суратларда: тармоқ ходимларидан А. Усмонов почта жўнатмасини қабул қилмоқда; мутахассислар М. Аширалиев ҳамда О. Бўтаев.

қурувчилар ҳиммати билан мўлжаллангандан бир йил олдин ишга туширилди. Ҳа, дарвоқе, бугун шаҳарнинг исталган митти туманига боринг, ҳар бирда алоҳида бозор фаолият кўрсатаётганига гувоҳ бўласиз.

Шаҳарда мустақиллик шарофати билан гуллаб, яшнаётган хусусий ва қўшма корхоналар анчагина. Ана шулардан биттаси «Феруз-Хоразм» ҳиссадорлик жамиятидир. Жамиятга ёш, серрайрат қиз Роза Собирова раҳбарлик қилмоқда. Ташкилотда 250 нафар ишчи меҳнат қилади. Шароит яхши, муҳими, маошга кечикишлар йўқ. Са-

Шундан кейин шаҳарда учта кўприк барпо этилди. Шу йилнинг феврал ойида эски кўприк кенгайтирилиб, қайтадан бунёд этиш ишлари бош-лаб юборилди. Бу учта объект мустақиллик кунига ишга тушиши мўлжалланмоқда. 450 ўринга мўлжалланган транспорт касб-хўнар коллежи қурилиши ҳам жа-двал суратларда бормоқда. Ўнта мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлайдиган бу билим даргоҳи

баби оддий: йил бошиданок тузилган 600 миллион сўмлик шартнома туфайли ишлаб чиқаришда умуман тўхталишлар йўқ. Даромад ҳам шунга яраша. Ҳиссадорлик жамияти жорий йилнинг олти ойида ўтган йилга қараганда 161 фоиз ўсишга эришганлигининг ўзидек корхона салоҳиятидан далолат бериб турибди. Шунингдек, жорий йилнинг олти ойида ҳиссадорлик жамиятларидан «Урганч» 156, «Хоразм-маҳсулсўзатиш» 140, Ўт ўриш машиналари заводи 111, Урганч ис-сиқлик тармоқлари 123, «Ўзим-вест» қўшма корхонаси 117 фоизга юксалди.

Яна бир нарсаси: маълумотларда айтилишича, Урганч шаҳар саноат корхоналари жорий йилнинг олти ойида салкам 15 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102 фоизга ўсишга эришган.

Одамлар кайфиятига кўп нарсаси боғлиқ. Тонг билан кўнглига тушган оиллик то оқшомга қадар тарк этмаси, демек, билингки, ишлар яхши. Шундай кунларнинг қадрига етмоқ эса ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарзодир.

**З.РИХСИЕВ,**  
**Э.ЭРМАТОВ,**  
«Ишонч» мухбирлари

### Ислоҳот йўлидаги ғов

### КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШДАГИ ҚОНУНБУЗИЛИШЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва бўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисидаги қарорига асосан фермер хўжаликлари зиммасига ўта маъсулиятли вазифалар юклатилди. Ана шундан қелиб чиққан ҳолда бу йил давлат эҳтижи учун пахта хонашўси ва уруғлик етказиб бериш бўйича 71 миңдан ортиқ контракция шартномаси тузилди. Уларнинг 69 миңга 425 таси фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалардир.

Мухим меъёрий ҳужжат ҳисобланган контракция шартномаларини тузишда айрим қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Ҳўш, бунда ким айбдор? Фермерми ёки... Текширишларда кўп ҳолларда шартномалар тузиш ва ижросини таъминлашда нефт маҳсулотлари, қишлоқхўжаликимё, агромашсервис, пахтаसानот, донмаҳсулот ва ўзбекипаги тизимидаги корхоналар фаолиятда камчиликлар борлиги аниқланмоқда. Шунинг учун ушбу ташкилот раҳбарларига тақдирномалар ва судларга дъво аризалари киритилиб, бу масалага муносабатларини ўзгарттириш, айбдор шахсларга қаттиқ чоралар қўриш талаб этиляпти.

Андижон вилояти Пахта-обод туманидаги «Нодир-бек» фермер хўжалиги ва «Баҳмал-дон» маъсулият чекланган жамият ўртасида тузилган шартнома шартлари бажари-

маганлиги аниқланди. Мамакатимизда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, уни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган бир пайтда бу каби қонунбузилишларга йўл қўйилаётгани ачинарли хол, албатта. Жойларда ушбу масаларга юзасидан жавобгар шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўриляпти. Хусусан, Наманган вилоятида ана шундай мансабдор шахсларнинг 14 нафари моддий ва маънавий жавобгарликка торти-либ, 3 миллион 905 миң сўм ундирилди.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонунларнинг бузилиши, фермер хўжаликлари билан контракция, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартномаларнинг бажари-маслиги ишлаб чиқарувчи-лар фаолиятига тўсиқ бўлмоқда.

**У.ОСТАНОВ,**  
**Х.ОЧИЛОВ,**  
Адлия вазирлиги шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси етакчи маслаҳатчилари

# Ёзги соғломлаштириш — юксак масъулият

## ИЗЛАНИШ ВА ИШТИЁҚ БЎЛСА

ҳар ишнинг уддасидан чиқиш мумкин

Бу йил тармоқ оромгоҳларида болаларни ёзги соғломлаштириш масаласига эътибор янада кучайтирилди. Белгиланган тадбирларга кўра тайёргарлик ишларига барвақт киришилди. Жойлардаги касабасаб ва уюшма ташкилотлари ҳужжатлар, қорхоналар маъмуриятлари билан биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни пухта белгилаб, таъмирлаш, жиҳозлаш, қайта куриш учун зарур бўлган анжомларни ўз вақтида келтиришга эришилди. Бунда "Хумо", ("Ўзбекимёмаш" АК), "Чотқол" (Тошнефгазкурилиш) АЖ, "Беруний" ("Ўзгекорборнефгаз" - қазиб чиқариш) АК, А. Қориев номи ("Шўртаннефгаз" УШК), "Лочин" ("Шўртангазимё мажмуаси"), "Ниҳол" (Муборак газни қайта ишлаш заводи), "Мовий гулкан" ("Нефгазкурилиш таъмир" АЖ), "Коинот" ("Ўзбеккумир" АЖ) оромгоҳларидаги ишлар айниқса намунали бўлди. Тегшли ҳужжали ташкилотлари томонидан етарли даражада маблағ ажратилди.

Капитал курилиш ишлари ушқоқлик билан борди. Жумладан, "Лочин" оромгоҳида 8 та ётоқхона, ёзги кинозал, А. Қориев ном-

ли сўлим масканда эса 60 ўринли ётоқхона курилиб фойдаланишга топширилди. "Ниҳол", "Еш алангачи", "Хумо" оромгоҳларида ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошди. Улар энг яхши жиҳозлар билан таъминланди.

Бу йил тармоқ тасарруфидида 21 та оромгоҳда 22.250 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Мавсум бошидан буён 18 минг нафарга яқин ўғил-қиз кўнгилли дам олдирилди. Эътиборлиси шуки, биз ҳар йили Оролбўйи болаларини дам олдиришга катта эътибор бериб келимиз. Шу кунгача Қорақалпоғистон Республикаси ва хоразмлик 680 нафар бола соғломлаштирилди. Бундан ташқари, қорхона ва ташкилотларнинг ҳужжали органлари ҳисобидан 256 нафар фарзандлар энг сўлим гўшаларда хордик чиқардилар. Ҳозирда Марказий Кенгаши ҳисобидан 100 нафар Оролбўйи худудидан келган болалар Қашқадарё вилоя-

тининг "Беруний" оромгоҳида мириқиб дам олмақдалар.

Масъулиятли мавсумга тайёргарлик кўришга оид йиғилишлардан олдин таассуротлар, илғорлар тажрибаси асосида фаолият таъминлаштириб борилаётган. Ҳамжиҳатликда қилинган иш хамиша хайрли бўлади. Масалан, оромгоҳлар кутубхоналарини Президент асарлари, лотин алифбосидаги бадиий оммабоп адабиётлар, буюк аллошлар фаолиятига оид китоблар ва плакатлар билан бойитиш, тиббиёт хоналарини биринчи навбатдаги зарур дори-дармонлар ила таъминлаш учун Марказий Кенгаш ҳисобидан 4 миллион сўм ажратилди.

Табиийки, фарзандларимиз сўлим гўшалардаги дамларни мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун барча имконият ишга солинмоқда. Бунда маданий-оммавий ва спорт тадбирлари катта рол ўйна-

япти. "Тонг", "Офтобжон", "Боғи Эрам", "Чотқол", "Геолог" каби оромгоҳлардаги ишлар диққатга сазовор. Дам олувчилар, ота-оналарни хурсанд қилган яна бир жиҳат шуки, оромгоҳларда мусика, рақс, бичиш-тиқиш, ошпазлик каби қатор тўғарақлар ташкил этилган. Ташкент вилоятининг қатор масканларида маданият бўлими билан ҳамкорликда фестивал ўтказилди.

Касабасаб уюшма Марказий Кенгаши худудий вакилликлари соғломлаштириш масъумини атрофида таҳлил этиб бормоқдалар. Ютуқларни мустаҳкамлаш билан бирга камчиликларни тезкор тарзда ҳал этиб келинмоқда.

**А.ҒУЛОМОВ,**  
Ўзбекистон ёқилги энергетика комплекси,  
кимё саноати ва геология ходимлари касабасаб уюшма Марказий Кенгаши раиси

**Мактаб ўқувчиларини ёзги таътил даврида дам олишлари ва соғлиқларини тиклашлари учун шароитлар яратиб касабасаб уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Улар қанчалик соғлом бўлса, ўқиш давридаги фаолиятлари шунчалик самарали бўлади.**

## Ўзибўларчилик Барҳам топди

да вилоятлар, туманлар ҳокимликлари, халқ таълими бўлимлари жойлардаги таълим ва фан ходимлари касабасаб уюшма кенгашлари ва худудий вакилликлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Хоразм вилояти Гурлан туманидаги "Ниҳол" болалар оромгоҳида бу йилги мавсумда 300 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Бу ерда дам олувчиларга барча шароитлар яратилган. Оромгоҳда турли тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Туман "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда маданият бўлими томонидан маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда оромгоҳ фаолиятини янада яхшилаш ниятида Марказий Кенгашимиз томонидан замонавий компьютер совға қилинди.

Янгибозор туманидаги "Шунқор" болалар оромгоҳида жисмоний тарбия ва спорт ишларига алоҳида эътибор берилган. Хар

икки кунда спорт ёки маданий-маърифий тадбир ўтказилиб келинмоқда. Марказий Кенгаш томонидан оромгоҳга 500 минг сўмлик спорт анжомлари совға қилинди.

"Хилол" болалар оромгоҳи Богот туманидаги 92-мактаб-интернатда жойлашган бўлиб, ҳозирги кунда 3-навбатда 100 нафар бола дам олмақда. Фаолият белгиланган режа асосида олиб борилаётган. Шу навбатда дам олаётган 60 нафар кам таъминланган болаларга Марказий Кенгаш томонидан кийим-бош совға қилинди.

Бухоро вилоятидаги Вобkent туманида жойлашган халқ таълими бўлимига қарашли "Зарафшон" болалар оромгоҳида бу йил 300 нафар ўқувчи соғломлаштирилади. Бу ерда дам олиш мавсумини кўнгилдагидек ташкил этишда туман ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси, таълим ва фан ходимлари касабасаб уюшмаси вилоят кенгаши, ширкат ҳужаликларини яқиндан ёрдам беришиди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими оромгоҳда турли қизиқарли тўғарақлар, маданий-маърифий тадбир-

лар, мусобақалар, танловлар ташкил қилиш ишларига раҳбарлик қилди. Шунингдек, Бухоронинг қадимий зийратгоҳларига экскурсиялар ташкил қилинди.

Вилоятдаги бир неча туманда мактабдоли оромгоҳларнинг (500 нафар ўқувчи учун) кўшимча 4-навбатини ташкил қилиш учун тармоқ касабасаб уюшма Марказий Кенгаши томонидан бир миллион сўм маблағ ажратилди.

Сурхондарё вилоятидаги Узун тумани халқ таълими бўлимига қарашли Х.Кулиёзов номи болалар оромгоҳида уч навбатда 755 нафар ўқувчи дам олдирилди. Шулардан 274 нафари халқ таълими ходимларининг фарзандларидир. Ушбу оромгоҳда ҳам болаларнинг мароқли дам олишлари учун барча шароитлар мундариж қилинган. У ерда маънавият ва маърифат хонаси, етарли адабиётлар билан таъминланган кутубхона, 2 та чўмилиш ҳавзаси, футбол ва баскетбол майдонлари ҳамда турли қизиқарли тўғарақлар дам олувчилар хизматида. Ўтказилган турли маданий-маърифий, спорт тадбирлари, бадиий кечалар, мусобақалар, танловлар, концертлар, табиат кўйига, тоғ ён бағрига ташкил этилган саёҳатлар болажонларда катта таассурот қолдирди. Шу тариқа болалар ёзи мазмунли ва мароқли ўтмоқда.

**Н.АКБАРОВ,**  
таълим ва фан ходимлари касабасаб уюшма Марказий Кенгаши раиси

## «Ишонч»да босилганидан сўнг «НОРИН»ДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Газетамизнинг шу йил январ ойи сонларининг биринчи «Йўқолган оромгоҳ» сарлавхали мақола чоп этилган эди. Унда Норин туманидаги «Норин» ҳужаликларига болалар оромгоҳи бир неча йилдан буён фаолият кўрсатмай кўйганини, ота-оналар ёзги таътил пайтида ўз фарзандларини анча олисдаги масканларга олиб боришига мажбур бўлишига таъкид қилинган. Сансалорлик, ўзибўларчилик сабаблари аниқ-равшан кўрсатиб ўтилган. Тумандаги мутасадди ташкилотлар раҳбару мутасаддилари матбуотнинг танқидий чиқишидан тегшли хулоса чиқардилар. Оромгоҳни мавсумга тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мақола атрофида муҳокама қилинди ҳамда қандайдил ҳамда унда қайд этилган камчиликлар тўғри деб топилди. Шу билан бирга аҳоли талаби инобатда олиниб «Норин» оромгоҳини мавсумга ҳар томонлама намунали шай этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Туман Агрисаноат мажмуи ходимлари касабасаб уюшма кенгашининг раиси Хамиджон Бадридиновнинг таъкидлашича, ҳокимлик бошчилигида хайрли ишларга қўл урилди. Катта ҳашар уюштирилиб сўлим маскан худудидаги қуриган дарахтлар, шох-шабалар чиқариб ташланди, йўлқалар созланди, ошхона-ўётоқхона таъмирдан чиқарилди. Кутубхона ҳамда тўғарақлар учун шинам хоналар барпо этилди. Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп, деганлари руст гап. Қарабсизки, «Норин» Наманган вилоятидаги энг намунали оромгоҳлардан бирига айланган.

Ҳозир бу сўлим гўшага қадам ранжида қилишнинг билан баҳри дилингиз очилади. Қуюқ дарахтзорлар, ранго-ранг гуллар, қушлар хониши хуш кайфият бахш этади. Маскан ёнгинасидан ўтган Қорадарё суви, иккинчи томондаги табиий қўл янада жозибас бахш этган.

жамоани шакллантиришга алоҳида эътибор берилди, - дейди суҳбатдошимиз. - Масалан, оромгоҳ раҳбари этиб муҳим ишда катта тажриба тўплаган туман халқ таълими бўлимининг масъул ходими Мадаминжон Худойбердиев таъинланган. Унинг ёндашлар ҳам масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият юритаётган асл фидойилардир.

Оромгоҳда бўлганимизда хоналардаги саранжом-саристалик, болаларнинг гулгун чехраларини кўриб мавсум мароқли кечаётганлигига иймон келтирдик. Ўғил-қизларни сархил мева ва сабзавот маҳсулотларидан баҳраманд этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Аббор Мансуров етакчилигида ташкил этилаётган спорт мусобақалари, жисмоний тарбия машқларида иштирок этаётганлар саломатликларини мустаҳкамлашмоқда. Нигора Иброҳимова, Лайло Эргашева бош бўлган тўғарақларда ўғил-қизлар ўзларини қизиқтирган соҳалар бўйича маҳоратларини оширишмоқда. Таъкидлашларича, "Ўзбекистон - Ватаним маним", "Қамалак жилоси", "Жажжи раққоса" каби танловлар кўпчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**  
«Ишонч» муҳбири




## ОРОЛБЎЙИ ЎҚУВЧИЛАРИ МЕҲР ОҒУШИДА

Марказий Кенгашимизга қарашли қорхона ва ташкилотлар мутасаддилари болалар ёзини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида тайёргарлик ишларига анча барвақт киришилди. Жами 15 та оромгоҳ мuddатида мавсумга шай этилди. Уларда болажонларнинг кўнгилли дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун барча шароит мундариж этилди.

Мана орадан муайян вақт ўтди. Биринчи ва иккинчи навбатда 12.715 ўғил-қиз яхши дам олдирилди. Шулардан 500 га яқини Оролбўйидан келган болалардир. Аввалги йиллардан фарқи улароқ маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларига кенг ўрин берилмоқда. Мисолларга эътиборни қаратсак, «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» очик акционерлик жамиятининг «Тонг» оромгоҳида иккинчи навбатда 1000 нафардан зиёд фарзандлар дам олиб, улар ўртасида турли конференциялар, суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда. 5 та тўғарақ, кутубхона, маънавият ва маърифат хонасининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ташкент шаҳридаги «Технолог» очик акционерлик жамиятининг «Радуга» соғломлаштириш оромгоҳида ҳозирда 1200 нафар ўғил-қиз ёз гаштини сурмоқда. Болажонлар табиат кўйида, мусаффо ҳаво,

Беллашув голибларига эсдалик совгалари топшириб берилмоқда. Яқинда ўтказилган «Оромгоҳ гўзали» конкурсида кўпчилики қатнашиб, бой таассуротга эга бўлди. Ташкент трактор заводининг «Билдирсой» оромгоҳининг иккинчи навбатиде 1100 дан зиёд ўқувчи-ёшлар дам олишмоқда. Марказий Кенгашимиз томонидан масъулиятли мавсумни кўнгилли, сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида



қатор соғломлаштириш масканларига керакли жиҳозлар харид қилиш учун яхшигина маблағ ажратилди. Таъкидлаш жоиз, ўтган йили энг яхши оромгоҳ сифатида эътироф этилган «Алгоритм» очик акционерлик жамиятининг соғломлаштириш маскани видеомониторинг билан таъкирланди. Йиллар мобайнида тўпланган бой таъриба эндиликда гоят асқотмоқда.

**М.ЭШОНХУЖАЕВА,**  
Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабасаб уюшма Марказий Кенгашининг бўлим мудир

лимларини оширишлари йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Бугунги кунда диёримиз-

ган соғломлаштириш оромгоҳларида болажонларнинг олтин ёзи сермазмун ўтмоқда. Хар бир дақиқанинг ўғил-қизлар учун таассуротларга бой, унутилмас бўлиши мақсадида оромгоҳларда фаолият кўрсатаётган бар бир ходим — у хох тарбиячи-педагог бўлсин, хох етакчи, тўғарақ раҳбари бўлсин, бари изланишда.

Жорий йилги соғломлаштириш мавсумининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, бу йил дам олувчилар сони ўтган йилгига нисбатан 75,4 минг нафарга кўпдир. Шунингдек, анъанавий равишда Оролбўйи минтақасидан имтиёзли соғломлаштирилувчи болалар сони ҳам орди. Қорақалпоғистондан 2500 нафар, Хоразм вилоятидан 1500 нафар болажон республикамизнинг энг сўлим ва баҳава оромгоҳларида хордик чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлаш режалаштирилган ҳолда бугунгача 2729 нафар Оролбўйи фарзандлари соғломлаштирилди. Бу борада улар учун алоҳида имтиёзлар кўзда тутилган бўлиб, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда Оролбўйи болаларини оромгоҳларга олиб келиш режа асосида давом этмоқда.

Шу ўринда рақамларга мурожаат этсак, Республика бўйича соғломлаштириш оромгоҳларида 1-навбатда 79 минг 207 нафар, 2-навбатда 77 минг нафарга яқин бола хордик чиқарди. 3-навбатга болаларни қабул қилиш давом этаётган бўлса-да, оромгоҳлар 43 минг нафарга яқин ўғил-қизларни ўз қучоғига олди. 4-навбатда эса яна 25 минг нафардан зиёд ўғил-қизларни соғломлаштириш режалаштирилган. Шунингдек, анъанавий равишда таъкидлаш лозимки, Сихат-саломатлик йилида болажонларни оромгоҳларга янада кўпроқ жалб этиш мақсадида лицей ва коллежлар қошида 147 та кундузги, 12 та шаҳарорти оромгоҳлари очилишига эришилди.

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш ишларини мунтазам ўрганиб бориш, худудий комиссияларга тегишли амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика комиссияси

аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Маъмур ишчи гуруҳ оромгоҳларда болаларни соғломлаштиришнинг боришини ўрганиш билан бирга мавжуд камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Болалар — келажакимиз. Шу боис мамлакатимизда болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми қизгин паллага чиққан айни бир пайтда хайрли ишга Республикаимиз ҳукумати, тегишли вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон касабасаб уюшмалари Федерацияси Кенгаши катта эътибор қаратиб, эртаммиз эгалари бўлиши ёш авлодининг хар томонлама мароқли ва мазмунли дам олиши, жисмоний ва маънавий юксалиши, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида бор имкониятни ишга солмоқда. Зеро, болажонларга кўрсатилмаётган эътибор ва ғамхўрлик келажак кафолатидир.

**А.СУЛТОНОВ,**  
ЎзқуФК бўлим мудир,  
**М.ЎРМОНБЕКОВА,**  
ЎзқуФК матбуот котиби

## ТАЪТИЛ МУСОБАҚАЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси «Соғлом келажак - соғлом болалар кўлида» шиори остида спорт мусобақалари ташкил этилди.

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ташкил этилган маъмур тадбирдан қўзланган мақсад ёзги дам олиш даврида жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийларини меҳнат таътилига жадвал асосида чиқариш ҳамда таътилни оила-си бағрида ўтказиб, болаларнинг ўқувчилар учун мактаблардаги барча спорт заллари ва майдончаларининг ёзда ҳам узлуксиз ишлатилиши таъминлашдан иборат.

Жамғарма матбуот хизматидан ЎЗА муҳбирига хабар беришларича, айни пайтда ўқувчилар спорт мажмуаларида, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида чиниқиш машғулоти давом этмоқда. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида «Ёзги таътил-2005» спорт мусобақаларининг туман босқичи якунланди. Унда юзга яқин ўғил-қиз баскетбол, ёнгил атлетика, шахмат ва шашка бўйича ўзаро куч синнашди.

Баскетбол бўйича ўғил болалар ўртасида ўтган беллашувларда 247-мактаб ўқувчилари биринчи ўринни қўлга киритди. Қизлардан 257-мактаб баскетболчиларига тенг келадигани топилмади. Шахматда 258-мактаб қизлари зафар қучди. Шашка ва ёнгил атлетика баҳсларида 246-мактаб вакиллари барча рақибларини ортада қолдириб, мусобақанинг якуний босқичига йўланма олди.


«Ёзги таътил-2005» спорт мусобақалари ёз давомида болаларга семимли спорт турлари бўйича машғулоти давом эттириш учун замин яратмоқда. Маъмур даргоҳларда барча машғулотлар юксак малакали мутасаддилар томонидан ўтказилаяпти.

Ушбу сўз замирида олам-олам маъно бор. Зеро, пойдевор нечоғли мустаҳкам бўлса, келажак учун хизмат қилувчи иморат ҳам шунчалик ишончли, умрбоқий бўлади.

Бу рамзий ўхшатишларни бежиз келтирмадик. Негаки, бугунги кунда республикамизда Мустақил Ватанимиз баркамол фарзандларини тарбиялашга юксак эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинмаётган қатор фармон ва Қарорлар маъмур масаланинг мамлакатимизда давлат сийсати даражасига кўтарилганлигининг далилидир.

Еш авлодини ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш билан бирга маънавий-маърифий тарбия борасида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жорий йилда бу муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Фарзандларимизнинг ёзги таътил даврида хушваво масканларда хордик чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлашлари, жисмонан чиниқишлари билан бирга дунёқарашларини кенгайтириш, атроф-олам ҳақидаги би-

## ФАРЗАНДЛАРИ БАРКАМОЛ ЮРТ ҚУДРАТЛИДИР



# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Республикамизнинг ноёб табиий иқлими, маъданли сувлари ва барча даволаш

*2005 йил — Сихат-саломатлик йили*



**Қорақалпоғистон Республикасида:  
«ГУЛПАРШИН» САНАТОРИЙСИГА**

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.  
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниш мумкин

**Тошкент вилоятида:  
«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА**

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**«АЙДОС ҚАЛА» САНАТОРИЙСИГА**

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари

**«БЎСТОН» САНАТОРИЙСИГА**

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

**Тошкент шаҳрида:  
ОАЖ «ТУРОН» САНАТОРИЙСИГА**

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

**«УМИД ГУЛШАНИ» САНАТОРИЙСИГА**

Даволаниш учун кўрсатма:

Гинекологик ва андрологик касалликлар

**ОАЖ «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИГА**

Даволаниш учун кўрсатма:

Ҳазм аъзолари, қандли диабет ва гинекологик касалликлар

**«ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИГА**

Даволаниш учун кўрсатма:

Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

**Хоразм вилоятида:  
«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА**

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари

**Самарқанд вилоятида:  
«АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА**

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

**Даволаниш муддати – 18 кун**

**БИЗНИНГ ЙЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ АРЗОН ЙЎЛЛАНМАЛАРДИР!**

# КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

омилларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларига таклиф этади



**Андижон вилоятида:**  
**МЧЖ «МАРҲАМАТ» САНАТОРИЙСИГА**  
Даволаниш учун кўрсатма:  
Юрак-қон томир, асаб ва сурункали тери касалликлари

**Қашқадарё вилоятида:**  
**«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА**  
Даволаниш учун кўрсатма:  
Юрак қон-томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар

**Бухоро шаҳрида:**  
**«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» САНАТОРИЙСИГА**  
Даволаниш учун кўрсатма:  
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), таянч-ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар

**МЧЖ «МИРОҚИ» САНАТОРИЙСИГА**  
Даволаниш учун кўрсатма:  
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлар  
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

**Жиззах вилоятида:**  
**«ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА**  
Даволаниш учун кўрсатма:  
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари

**Наманган вилоятида:**  
**МЧЖ «ЧОРТОҚ» САНАТОРИЙСИГА**  
Даволаниш учун кўрсатма:  
Қон айланиш, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.  
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**Фарғона вилоятида:**  
**МЧЖ «ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИГА**  
Даволаниш учун кўрсатма:  
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар  
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

**МЧЖ «КОСОНСОЙ» САНАТОРИЙСИГА**  
Даволаниш учун кўрсатма:  
Юрак қон-томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари

**МЧЖ «НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИГА**  
Даволаниш учун кўрсатма:  
Таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизда ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй. Мурожаат учун телефонлар 56-85-68, 56-70-97.

